

“PERFECT INSURANCE” АЖ СТ

Ягона акциядорининг

2022 йил 10 - 05 даги 11 -сонли

қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”



“PERFECT INSURANCE” АЖ СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

I бўлим. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “PERFECT INSURANCE” АЖ Суғурта ташкилоти (матн давомида Ташкилот деб юритилади) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ташкилот Кузатув кенгашининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Кузатув кенгаши Ташкилот фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Ташкилот устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.3. Ташкилотнинг Кузатув кенгаши Бош директор, ички назорат органи, Ташкилотда ташкил этилган коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, Ташкилот ривожланиш режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этади.

1.4. Кузатув кенгаши аъзolari ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгашининг аниқ ҳар бир аъзоси учун Кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади. Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун рағбатлантириш пули миқдори Ташкилотнинг фаолият самарадорлигига қараб белгиланади.

II бўлим. Кузатув кенгашининг ваколатлари

2.1. Ташкилот Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

2.1.1. Ташкилотни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Ташкилот Бош директорининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Ташкилот фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.1.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

2.1.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

2.1.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

2.1.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Ташкилот акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

2.1.6. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг

59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

2.1.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.1.8. корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

2.1.9. ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг фаолият тартибини белгилайдиган низомни тасдиқлаш, унинг ходимларини тайинлаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

2.1.10. Ташкилот Ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Ташкилот Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Ижроия органидан олиш.

Ташкилот Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

2.1.11. аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

2.1.12. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

2.1.13. Ташкилотнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

2.1.14. Ташкилотнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

2.1.15. шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

2.1.16. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

2.1.17. Ташкилотнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

2.1.18. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

2.1.19. қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш.

2.2. Ташкилот Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонун ҳужжатлари ва Ташкилот уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.3. Ташкилот Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Ташкилотнинг Бош директориға ўтказилиши мумкин эмас.

III бўлим. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва муддатидан илгари ваколатини тугатиш

3.1. Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, ушбу таклифларни кўриб чиқиш ва улар бўйича Кузатув кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63 ва 65 моддаларига ва Ташкилот уставига мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Кузатув кенгашига номзодлар киритиш таклифи ёзма равишда Ташкилотнинг манзилига почта орқали юборилади ёки Ташкилот девонхонасига топширилади.

Таклиф киритилган сана почта орқали юборилган санаси ёки Ташкилот девонхонасига топширилган санаси бўйича аниқланади.

Таклиф акциядор ёки унинг вакили томонидан имзоланади, талабнома вакил томонидан имзоланган ҳолларда вакилнинг ишончномаси илова қилиниши шарт.

Агар ташаббус юридик шахс - акциядор томонидан чиққан бўлса юридик шахс вакилининг имзоси (юридик шахснинг уставига асосан ишончномасиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган вакил) юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланиши шарт (агар мавжуд бўлса). Агар таклиф юридик шахснинг номидан ишончнома асосида ҳаракат қилаётган вакил томонидан имзоланган бўлса, таклифга ишончнома илова қилиниши шарт.

3.3. Ташкилот Кузатув кенгашининг сон таркиби 5 (беш) кишидан иборат.

3.4. Ташкилот Кузатув кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва Ташкилот уставига назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

3.5. Ташкилотнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.6. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Ташкилотнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.7. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

3.8. Ташкилотнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.9. Ташкилот Бош директори Ташкилотнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.10. Ташкилотда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Ташкилотнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.11. Кузатув кенгашига сайланган шахснинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Ташкилотнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан амалга оширилади.

3.13. Кузатув кенгашининг аъзоси ўз ҳошишига кўра истаган пайтида, Кузатув кенгашида ўз фаолиятини тўхтатиш кунидан бир ой олдин Ташкилот Кузатув кенгаши раисини огоҳлантирган ҳолда Кузатув кенгаши такибидан чиқишга ҳақли. Бу ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши ўзининг яқин орадаги йиғилишида Кузатув кенгаши аъзосини алмаштиради.

3.14. Кузатув кенгаши аъзоси ёки барча аъзоларининг ваколатлари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Ташкилотнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қуйидаги ҳолатларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

- узурли сабабсиз Кузатув кенгашининг ишида уч мартадан ортиқ қатнашмаслиги;
- Кузатув кенгаши аъзоларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Ташкилотга салбий оқибатлар олиб келганлиги.

IV бўлим. Кузатув кенгашининг раиси

4.1. Ташкилот Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Ташкилотнинг Кузатув кенгаши ўз Раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Ташкилот Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Ташкилот Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

V бўлим. Кузатув кенгашининг мажлислари

5.1. Ташкилот Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Ташкилот Кузатув кенгаши, шунингдек Ташкилот Бош директори ва Ички аудит хизмати Бошлиғи талабига кўра чақирилади.

Ташкилот овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Ташкилотнинг Кузатув кенгаши мажлисини чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

Ташкилот Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

Мажлисида видеоконференцалоқа орқали қатнашиш истагини билдирган Кузатув кенгаши аъзоси мажлис ўтказиладиган санага қадар икки кун олдин Кузатув кенгаши Раисини бу ҳақда хабардор қилиши керак.

5.2. Ташкилот Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Ташкилот Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг турт нафардан кам бўлмаслиги керак.

5.3. Ташкилот Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Ташкилот уставида назарда тутилган миқдорнинг турт нафардан кам бўлган тақдирда, Ташкилот Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Ташкилот Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.4. Ташкилот Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, агар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Ташкилот уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса. Ташкилот Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Ташкилот Кузатув кенгашининг Раиси Кузатув кенгаш аъзоларининг овози тенг бўлган ҳолларда ҳал қилувчи овозга эга.

Ташкилотнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Ташкилот уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.5. Ташкилот Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўл қўйилмайди.

5.6. Ташкилот Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг мажлис баённомаси котиб томонидан юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

5.7. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисида ҳозир бўлган шахслар;

- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.8. Ташкилот Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Ташкилот Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.9. Ташкилот Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Ташкилотнинг Бош директориға ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Ташкилотнинг Бош директориға Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

5.10. Ташкилот Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Ташкилот Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.11. Сиртдан овоз беришни ўтказиш бўйича қарор Кузатув кенгашининг Раиси қабул қилади.

VI бўлим. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларға эға:

- Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- Кузатув кенгаши қарориға кўра муайян давр учун Ташкилотнинг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисидаги маълумотлар олиш;
- қонунчиликда ва Ташкилотнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда Кузатув кенгашида ишлаганлиги учун, тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш;
- қонун ҳужжатлари ва Ташкилот уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

6.2. Кузатув кенгаши аъзоси қуйидагиларға мажбурдир:

- Ташкилот билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Ташкилотни хабардор этиш;
- ўзининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Ташкилоти манфаатлари йўлида у энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалға ошириш;

- қонун ҳужжатлари ва Ташкилот уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

6.3. Кузатув кенгаши аъзолари Ташкилот имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Ташкилотнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборотлар) шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

VII бўлим. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

7.1. Ташкилот Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Ташкилотнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда қонун ҳужжатларида ва Ташкилот уставида белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Ташкилот олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

7.3. Ташкилотга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Ташкилот Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.4. Ташкилот ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Ташкилотга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Кузатув кенгашининг аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.5. Суд Ташкилотнинг Кузатув кенгаши аъзосини Ташкилотга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, унинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

7.6. Ташкилотнинг Кузатув кенгаши аъзоси Ташкилотга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

VIII бўлим. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби

8.1. Кузатув кенгаши аъзолари Ташкилот умумий раҳбарликни амалга оширганлиги учун Ташкилот фаолияти самарадорлигидан келиб чиқиб мукофот пули олишга ҳақли.

8.2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳо натижалари ва Ташкилот фаолиятининг молиявий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, Кузатув кенгаши аъзоларига қўшимча ҳақ тўланиши ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин.

8.3. Ташкилотнинг корпоратив бошқарув тизимига мустақил баҳо бериш акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар Кузатув кенгашининг қарори билан амалга оширилади.

8.4. Ташкилот томонидан мукофотни тўлаш пул кўринишида уларнинг банк ҳисобварагига ёки банк картасига тулаш орқали амалга оширилади.

IX бўлим. Кузатув кенгашининг қўмиталари (иш гуруҳлари)

9.1. Ташкилотнинг Кузатув кенгаши асосли ва самарали қарорларни қабул қилинишини таъминлаш мақсадида, шу жумладан низоли ҳолатларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун тегишли масалалар бўйича доимий ва вақтинча фаолият юритувчи қўмиталар (ишчи гуруҳлар) тузишга ҳақли.

9.2. Қўмиталарнинг (ишчи гуруҳларнинг) асосий функциялари уларнинг фаолият йўналиши бўйича Ташкилотнинг Кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалаларни дастлаб ҳар томонлама ўрганиш ва Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш ҳисобланади.

9.3. Ташкилотнинг Кузатув кенгаши қўмиталари (ишчи гуруҳлари) Кузатув кенгаши, Ташкилот ходимлари ва жалб қилинган экспертлардан (тегишли ихтисос мутахассислари, ихтисослашган ОЎЮ ўқитувчилар таркиби ва бошқалар) шакллантирилиши мумкин.

9.4. Қўмиталар ва ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужатлари, Ташкилотнинг устави ва ички низомлари, ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши ва Ташкилот Кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ ҳаракат қилади.

9.5. Ташкилот Кузатув кенгашининг аъзоларидан иборат Аудит қўмитасини (матн бўйича – Қўмита) ташкил этиши ҳам мумкин.


9.6. Қўмитанинг мақсад ва вазифалари қонунчиликка мувофиқ Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланади.

X бўлим. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан этиборан кучга киради.

10.2. Агар мазкур Низомни бирон бир қоида ёки қўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

10.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ёхуд Ташкилот уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Ташкилот устави қоидалари қўлланилади.



Хушхот ва Ташкилот ҳатти қарор қўйишнинг
қарар қилиш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси
Ташкилот ҳатти қарор қўйишнинг қарар қилиш
қарар қилиш бўлиб, Ўзбекистон Республикаси

РАҚАМЛАНГАН ВА ТИКИШГАН

ЖАМИ: 1874 БЕТ



Handwritten signatures and marks at the bottom of the page, including a large stylized signature and some illegible scribbles.